

Туркистон ўлкаси ўзининг тарихида тоза япроқларга эга бўлмокда. Хаёлга ўтмаган воқеаларни ҳақиқат шаклида қарши олмақда. Оврупонинг Оврупо маданияти аталгон йўл остида жони чиқиб, инграб ётгон шу чокда Ўзбекистон ўзини янги ҳаёт эшиги олдида кўради. Оврупо «сарват»нинг қонли ва қирқин панжалари орасида сиқилмокда ва миллий-синфий душманларнинг тўполони ичида йўлини йўқотмокда экан, Туркистоннинг мазлум халқи ўз қонининг ота бошлагонини сезмақдир.

Бу янги ҳаёт, Ўзбекистон Ҷумҳуриясида бошқа миллатлар билан бир ҳуқуқда, бутун миллий зулм ва қолдиқлардан узоқ, ўзбек Ҷумҳуриясининг қурилиши фикридир. Октябр инқилобининг мазлум миллатларга бературган эрки Оврупода бўлгонидек бўлмай, бировдан зулм қечмақ, бировга зулм этмақ асосига қарши бўлиши қерақдир. Хар миллат «туғал эрк» билан ўз ҳаётини тансиқ (комбинация) этишга эга бўлиши лозим. Хар миллат ўзининг ижодий қобилиятини умумга қойдалик бир йўлда ўсдиришга тиришмақга йўл тоқмоғи қерақдир. Шундагина миллатлар ўса оладирлар ва шундагина башарият юксалатурган бир қолда бўла олар. Бу эса миллатларнинг муқаддириятларини қал эга олатургон бир қолга қирган вақтдагина мумкин бўла олар.

Ўзбек Ҷумҳуриясини октябр инқилоби шу тасаввурлар билан туғдирди. Байналмилал баъзи қишлоқларнинг ўйлаганича дунёда ҳеч бир миллат қолдирмаслик маъносида бўлмай, балки ер юзида бўлгон миллатларининг айрим-айрим ўз муқаддириятларини бошқаларга зарар бермаслик равишда тузмақликларидир. Шунинг учунда хар миллат ўзини ўзи идора этишга қанча иқтидорли бўлса, байналмилал шунча маҳкам асосга таянган бўладир. Шунинг учун ўзбек Ҷумҳурияси Туркистоннинг янги йўлга қириш даврида муҳим бир йўлбоши саналиши мумкин.

Мақоламизнинг мақсади, ўзбек миллий Ҷумҳуриясининг асосини тафтиш ва изох бўлмагонидан шу қиска муқаддима билан қифояланиб мақсадга ўтамиз.

Ўзбек Ҷумҳуриясининг маркази Самарқанд бўлиши муносабати билан тузулатургон ижроқўм учун Самарқандда бир қино қурмаққа қарор бўлгонини эшитдик. Мана шу муносабат билан биз баъзи мулоҳазаларимизни майдонга отмоқчимиз.

Туркистон эски маданий дунёнинг байналмилал қегарасида энг юқори ўрун тутатургон олимлар, ҳақимлар, шоирлар, санъатқорлар этиштирган бир ўлкадир. Туркистон шарқий, жанубий ва қарбий Осиёнинг бир-бировига тўқшатургон бир маъзада бўлгонидан иқтисодий нукталарга молик бўлгондир. Шунинг учунда бир вақтлар маданиятнинг энг юқори даражасига мингандир. Кейинги вақтларда икки дунё бозорларининг Оврупо ва Амрико савдоқарларига очилиши ва савдо йўлларининг ўзқариши маҳаллий маданиятнинг қастлашишига сабаб бўлгондир... Эски маданиятимизнинг бу қисми (баъзи қусбат олимлардан бошқа бўлгон қисми) ҳам бошқа, эски илм ва қан қисми кейин қолгон деб айтиб бўлмайди. Чунки бир миллатнинг маданиятининг юксалган вақтидаги этишдирган дохийларнинг асарлари у миллатнинг «турғунлик» даврида доимо манфаатқорлар тарафидан мўдул саналгон ва ўшанга ўхшатмоқ қоя ўрнини олгондир. Бу қол бутун дунёдаги миллатларининг бошидан ўтгандир.

Ўн олтинчи асрнинг биринчи қармида Италиядан этишган Рафаел, Ансилаларнинг лавқалари ўн сакқизинчи, қатто ҳозирги асрғача мўдул ўрнида ишлатилади. Германияда Қолбин, Дурирларнинг мақтаблари ўн сакқиз ва ўн тўққизинчи асрғача давом этгандир.

Бу миллатлар, қатто, неча юз йиллик ҳаётларида бошқадан шундай дақолар

кўрмаганларидан хали ҳам шуларга етишмак учун тиришадирлар. Машхур мусикачи Бетховен неча асрдан бери дунёнинг энг севимли кишисидир. Наволари доимо рағбат билан эшитиладир ва унинг каби бўлишга тиришиладир.

Бизнинг тарихимизда ҳам шундай аҳамиятли шахсиятлар оз эмасдир. Уларнинг асарлари неча асрлардан бери қўлланма вазифасини адо қиладир.

Мусикамизнинг саккиз асрдан ортиқ бир тарихи бўлгони каби меъморчилигимизнингда саккиз асрга яқин умри бордир. Мусикамиз шу асрлар бўйинча, табиий, турли ўзгаришларга учрагандир.

Факат сўнгги вақтлардаги васикаларга қараганда уч-тўрт аср орасида ўзгариш жуда оз бўлгандир.

Меъморимизда ҳам ҳол шудир.

Сўнгги кунларда Бухорода кашф этилган еттинчи асрларда бино этилган бир мазор билан ундан икки аср сўнг ясалгон Шердор мадрасаси бино этилган, ундан икки аср сўнг Хўқандда бино этилган Умархон мадрасаси ва шу сўнгги асрнинг асари бўлган Худоёрхон ўрдаси - ҳаммаси ислом-турк меъморининг Туркистон услуби тарзининг такроридир.

Юқоридаги бу изоҳдан маълум бўладирким, бизнинг маданият асримиздан қолгон муҳим меъморимиз бордир ва ҳалигача давом этадир.

Бу билан биз шуни айтмоқ истаймизким, бизнинг ўз руҳимизнинг акси бўлгон меъморимиз бор экан, нечун қурултургон бинолар ўз руҳимизда қурулмасин?

Айникса, янги тарихий давр билан бошланатургон Туркистон тарихи ўзининг биринчи қадамида, гоёсида бўлгон миллий-ижтимоий жумҳуриятнинг маркази сифатини олатургон ижрокўм биносини бутун хайъат би-лан қайси ернинг, қайси элнинг натижаси ва эгаси бўлишини гавдалантириб кўрсатиши керакдир?

Албатта, Туркистоннинг эмасми?!

Шунинг учунда бу масалага халқ ходимларининг аҳамият беришлари ва рус жаҳонгирлигининг иши билан Туркистон мазлум элининг бирдан-бир даҳосининг тажассум этилишини кўрсататурган бир гавда қуришлари керакдир.

Бу бино Туркистон янги маданий ҳаётининг туб тоши (тағ курси) бўлиши керакдир.

---

Янги давр, янги йўл. Бу мақола ҳам В. Махмуднинг Москва даври ижодидан бир намунадир. Мақола «Зарафшон» газетасининг 1924 йил 17 декабр сонидида эълон этилган.